



Матжанов И.А.
Нукус, Узбекистон

ОАВ АҚШ жиноят процессида кўпроқ мажбуриятларга эга. Бу борада В.Н.Руденкин кўрсатганидек, «АҚШ Адлия вазирлиги ҳукумат идораларига ОАВ

ходимларини судга чақириб олиб, улардан Катта Жюри терговчилари хузурида жиноят ишига алоқадар бўлган манбаларни тақдим этишни талаб қилишга рухсат берувчи Олий суд қарорининг қабул қилинишига эришди. Мазкур қарор эса ОАВни жамоат назоратини амалга ошириш хизматидан тергов хизматига айлантирди» [2;87]. Аммо, М.Паренти тадқиқотларидан эса, ҳукумат вакилларининг ОАВ ходимларидан жиноят ҳақида маълумот олинган манбаларни ошқора қилишни талаб этиши кўплаб учрамаслигини билиш мумкин [3].

Демак, АҚШда агар ОАВ жиноят ҳақида эфирга ахборот жойлаштира ва ваколатли органга хабар берса, кўпроқ мажбуриятларга эга бўлади. Мазкур хабарларда айбсизлик презумпциясининг сақланишига алоҳида эътибор қаратилади. Айбсизлик презумпцияси кўпроқ жисмоний шахсларга оид ҳолатларга татбиқ этилади.

АҚШда жиноят ва одил судлов тўғрисида жамоатчилик фикри улар ҳақида ОАВда берилаётган хабар асосида шаклланади. К.Даулер ва Л.Курт-Баттлернинг тадқиқотларида ОАВда жиноятчиликнинг ёритилиши ва уларга нисбатан полициянинг муносабати ўрганилган. Ва, ўрганиш натижасида шундай хулосага келган: «ОАВда жиноятчилик ҳақида қанча кўп ёритилса, жамоатчилик жиноятдан шўнча кўп хавфсираган»[4].

Албатта, мазкур тадқиқотларда АҚШ ОАВ томонидан жиноят ходисаларининг кўплаб ёритилиши жамоатчилик кайфиятига салбий таъсир этаётганини куриш мумкин. Бу борада давлатимизда ҳам интернет ОАВлари томонидан охириги пайтларда жиноятга оид хабарлар кўплаб ёритилаётганлигини кузатишимиз мумкин. Мазкур ҳолатларда миллий масс-медиа соҳаси, айниқса интернет ОАВ лар жиноят ҳақида хабарлар эълон қилиши ортидан ҳамда жиноят процессининг «кўмакчи» иштирокчисига айланиш орқали, албатта жамоатчилик кайфиятига таъсир этади. Демак, юқоридаги тадқиқотга асос, миллий интернет ОАВларда жиноят ҳақида маълумотлар кўпайиб кетиши жамоатчилик кайфиятига салбий таъсир этади. *АҚШ жиноят процессида ОАВ иштирокига оид айнан ушбу ҳолатдан ўзларимизга хулоса чиқариш мақсадга мувофиқ.*

АҚШда ОАВ хабар ва маълумотлари асосида жиноят ишини қўзғатиш тартиби мавжуд. Мазкур ҳолатларда жиноят иши суд томонидан имкони борида тезроқ қўзғатилишига ҳаракат қилинади. Жиноят процесси шахсга эмас, балки содир этилган жиноятга қарши йўналтирилиб, ҳал қилиниши лозим бўлган асосий масала – шахсни жинойий жавобгарликка тортишга асослар мавжудми. Суд шахсни чақиртириб олиб, огоҳлантирув ёки қамоқ эҳтиёт чорасини танлайди. Жиноят ишини қўзғатиш пайтида суд контроли мунтазам равишда амалга оширилади [6; 92].

Бу бир тарафдан, агар суд жиноят ишини контроль қилиш ваколатига эга бўлса, унда судларнинг иш юкламаси ҳажми ниҳоятда кўп экан деган хулосага келишга асос беради. Аммо, мазкур масалалар билан жиноят ишини биринчи инстанцияда муҳокама қилувчи суд эмас, балки магистрат деб номланувчи махсус суд амалга оширади. Жиноят иши бўйича контроль суд ваколатидадир.

Қизиқарли томони, шахснинг, полициянинг ёки ОАВнинг жиноят ҳақидаги хабарлари мурожаат ёки маълумот деб юритилади.



ОАВнинг суд ишларидаги иштироки ўзига хос хусусиятларга эга, улар кўпроқ вазифалар юкланади. ОАВ суд муҳокамасини ёритиш ҳуқуқига эга эмас, унда фақат рассом иштирок этиб, судланувчини эслатиб юборувчи расм чизади ва ОАВда айнан ушбу расм чоп этилади. Албатта, бу айбсизлик презумпцияси нуктай-назаридан асослидир. ОАВ судланувчини суд залида эмас, суд биноси эшигидан чиқганидан кейин расм ёки видеога олиш ҳуқуқига эга.

Шундай қилиб, АҚШ жиноят-процессуал қонунчилиги бўйича тергов ва суд ишларида ОАВ иштирокида қўйидагича процессуал қоидалар қўлланилади:

- жиноят процессида ОАВ кўпроқ мажбуриятларга эга, улар ўз манбаларини ҳам ошкор этишга қўндирилиши мумкин;

- суд залида ОАВ съёмка олиш ҳуқуқига эга эмас, фақат махсус рассом судланувчи расмини чизиб беради. ОАВ айбланувчи ёки судланувчи суд биноси эшигидан чиқиши билангина уни суратга олишга ҳуқуқига эга.

Маълумки, одил судлов ишларини самарали амалга оширишнинг асосий шарти – қонун, асос ва адолат тамойилларига асосланган ҳал қилувчи ҳужжат қабул қилинишидир. Албатта, мазкур омил суд ишларини юритиётган суд ёки судлар таркибига ниҳоятда улкан жавобгарлик юклайди. Мазкур ҳолатларда судлар мустақиллиги муҳим аҳамият касб этади.

Демак, жиноят процессида ОАВ хабар ва маълумотларидан фойдаланишда АҚШ тажрибаси ҳозирда пайтда ниҳоятда муҳим процессуал-ҳуқуқий тажриба ҳисобланади. Сабаби, АҚШ судлари жамоатчилик фикри ва қонунни имкони борида бирга юритишга ҳаракат қилади, аммо судларда жамоатчилик фикрига нисбатан қонун тамойиллари устуворлик қилади. Шу билан бирга, ОАВ жиноят процессида ниҳоятда фаол ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Энциклопедия стран мира / Глав. ред. Н.А. Симония; редкол. В.Л. Макаров, А.Д. Некипелов, Е.М. Примаков; предисл. Н.А. Симонии; НПО «Экономика», РАН, отд-ние обществ. наук. М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2004. С. 1013.
2. Роль СМИ в профилактике и пресечении коррупции в США // Вестник Уральского института экономики, управления и права. 2009. № 1 (6). С. 87.
3. Паренти М. Демократия для избранных. Настольная книга о политических играх США // Пер. с 7-го англ. издания В. Горбатко. М.: «Поколение», 2006. С. 236 - 237.
4. Dowler, K. (2003). Media consumption and public attitudes toward crime and justice: The relationship between fear of crime, punitive attitudes, and perceived police effectiveness. *Journal of Criminal Justice & Popular Culture*, 10, P. 109-126.
5. Kort-Butler, L., & Sittner-Hartshorn, K. (2011). Watching the detectives: Crime programming, fear of crime, and attitudes about the criminal justice system. *The Sociological Quarterly*, 52, P. 36-55.
6. Стойко Н.Г., Семухина О. Б. Уголовный процесс в США: Учебное пособие /– Красноярск: Краснояр. гос. ун-т. 2000. С. 92.